Бутун ислом дунёси, бохусус, жахолат коронгулигинда колгон Туркистон ўлкаси муршид ва рахбарларга нихоят даражада мухтож бўлдиги бир замонда Туркистон халкига мехрибон ота ва устоз манзалласинда бўлгон мухтарам мухарриримиз муфти Махмудхўжа Бехбудий хазратларининг табиий ажали билан эмас, балки золим, таассуб ва жахолат манбаи бўлгон Бухоро тупрогинда, золимлар кўлинда вахшиёна бир суратда ўлдурулганлиги бутун Туркистон ўлкаси ва туркистонликлар учун гоят зўр бир зиёъдир. Бехбудий афанди Туркистонда бошлаб кўлига калам олиб, халкнинг тараккий ва толеси учун фойдали маколалар ёзгон буюк рахбаримиз эди. Бехбудий афанди Туркистонда янги мактаблар учун бошлаб алифбо ва жугрофия китоблари ёзгон улуг устоз ва муршидимиз эди.

Бехбудий афанди Туркистон тараккийпарварлари ичинда энг аввал мутаассиб уламонинг хаксиз хужум ва такфирларига учрагон ва шундай такфирлар ила рухини тушурмай, ўз маслакиндан килча айрилмай, йигирма йил мутамаддиан Ватан ва халкга хидмат этган бирдан-бир фаол йўлбошчимиз эди.

Мен бу ерда, бу кичкина маколада Бехбудий хазратларининг муфассал таржимаи холини ва халкга килгон хидматларини ёзмокчи эмасман. (Ки, бунинг учун неча жилд китоб ёзмок керак бўлур) балки анинг баъзи яхши сифат ва хислатлари ила анинг хакиндаги хотираларимдан бир нечасини ёзмок истайман.

Бехбудий афанди ила бошлаб танишдигим 1321нчи санаи хижрияда бошлаб домла Сайидахмад Васлий афандининг хужрасинда ва мазкур йилда бир-икки келиб кетдиги учун Бехбудий афанди ила кўрушган ва танишгон бўлсам-да, ул чокда хакикатан Бехбудий афандининг муфтилигиндан бошка кандай фазлу камоли борлигини ва анинг ўзи яхшими, ёмонми - кандай киши эдикини билмаган эдим. Сўнгра 1324нчи йилда Бехбудий афанди ўзи ёзгон «Мухтасар жугрофияи умумий» исмли асарини бостуруб чикарди ва шунинг ила баробар Самаркандда мутаассиб уламо ва талабалар огзиндан Бехбудий хакинда такфир ва тахкир сўзлари эшитила бошлаб, бу сўзлар бутун халк орасинда таркалди: «Махмудхўжа ер айланадур ва ер тарбуздек юмалок дея экан, ул киши кофир бўлгон» каби сўзлар хар ерда сўйлана бошлади. Демакки, Бехбудий афандининг бошлаб мутаассиб уламо ва кора халкдан такфир сўзи эшитганига мазкур жугрофия рисоласи сабаб бўдци. Мен шул хусусда ўзимнинг Самаркандда биринчи даражада олиму фозил кишиларидан деб топдигим бир устозим огзиндан Бехбудий афанди хакинда такфир сўзи эшитганимдан хайратда колиб, мунга чидай олмай дархол мазкур китобдан бир донасини сотиб олиб диккат ила мутолаа этдим. Кўрдимки, Бехбудий афанди бу китобинда ўз тарафиндан хеч бир нарса ёзмай, балки жугрофия, хайъат ва татбикоти диния хусусинда эски ва янги мўьтабар муаллифларнинг сўзларинигина накл ва таржима этган. Сўзларинида аклий ва наклий далиллар ила исбот этган. Мен шул китобни диккат ила яна иккинчи дафъа ўкиб чикгоч, мазкур китобда «такфир»га сабаб бўлатургон хилофи шаръий сўзларнинг йўклигига бутун каноат хосил этдим ва ўшал кундан эътиборан Бехбудий хазратларига чин кўнглимдан мухлис бўлдим ва анинг ким эканлигини том маъносила билиб олдим. Шуни хам ёзмасдан ўтолмайманки, мазкур тарихдан эътиборан ўзимнинг аввалги «биринчи фозил» деб

билган устозимдан бутун ихлосим кайтди. Анинг кошига бундан сўнг бормайтургон бўлдим. Бошка эски устозларимдан хам юз ўгирдим. Шуни хам унутмайманким, мазкур жугрофия китобининг «Татбикоти диния» фаслинда: «Баъзи эски хурофот ва исроилият сўзлари бизнинг тафсир китобларимизгача кириб кетган» мазмуниндаги жумлалар ўшал вактда маним фикримда зўр ўзгаришлар ясади. Яъни, ўшал жумла мени биринчи дафъа фикрий инкилобга учратди. Мен ўшал кундан эътиборан хар бир эски ва янги китобларни диккат билан, мухокама илан ўкуйтургон бўлдим.

Мана шунинг учун мен айта оламанки, менинг тавсиъи маълумотимга турк-тотор матбуоти сабаб бўлгонидек, мени биринчи мартаба фикрий инкилобга учратгон хам Бехбудий хазратларининг мазкур бир-икки жумла сўзидир. Мен мазкур тарихдан эътиборан Бехбудий афандига чин кўнгил ила мухлис бўлдигимдек, ўша вактдан бошлаб мавкеи келганда, хар ерда ани мудофаа этатургон бўдцим. Хатто 1325нчи йилда шул такфирчиларга карши бир макола ёзиб, «Туркистон вилоятининг газети»да нашр этдигим хануз хотиримда бордир. Ўшандан бери мен хар вакт Бехбудий афандининг хузурига боратургон ва анинг илмий, ижтимоий ва сиёсий фикрларидан истифода килатургон бўлдим.

## БЕХБУДИЙ АФАНДИНИНГ ЎЗ МУСОХИБЛАРИ ИЛА МУОМАЛАСИ

Бехбудий афанди халим, зийрак, гоят заковатли ва кувваи хофизаси зўр бўлдигидек, сўзга-да нихоят даражада уста эди. Ул хар сўзига каноатлантирмак учун турли мисоллар келтура, мавкеи келганда оят ва хадисдан далиллар кўрсата эди. Шунинг учун анинг сухбати гоят лаззатли ва истифодали бўлар эди. Бехбудий афанди хар вакт «калам ун-нос ъала кадри ъукулихим»[1] мазмунича мусохибларининг холига ва аклига караб ўшанга муносиб сўйлаша эди. Баъзан мутойиба ила мажлисдошларини кулдура эди. Анинг сухбатинда бўлгон киши рухлана, шодлана ва анинг олдиндан асло тургуси келмас эди. Бехбудий афанди аксар вакт маколаларин-да ёзиб турдигидек, сухбат ва мажлисларда хам «Бизга икки турли киши керак. Бири диний илмларни фалсафалари ила комил билатургон зотлар, иккинчиси дунёвий илм ила хунарларни яхши билган зиёлилар» сўзларини сўзлаб тура эди. Бир вакт (1908нчи йилда) «Таржумон» газетасининг мухаррири Исмоилбек афанди Гаспиринский (25 йиллик юбелейсиндан сўнг) Самаркандга келганида Бехбудий афанди йиглагон ходда ул зот ила кучоклашиб кўрушуб, «Бу кун сизнинг хузурингизга келиб сухбатингиздан истифода килатургон зиёлиларимиз йўк», деди. Исмоилбек афанди анга жавобан: «Бехбудий афанди! Йигламанг! (Мажлисдаги кишиларни ишора килиб) мана булар озми? Яна сизлар тиришсангиз, оз бир фурсатда миллатга кераклик кўб одамлар етишдира олурсиз», деди.

## ХАСМУ ДУШМАНЛАРИГА КАРШИ МУОМАЛАСИ

Бехбудий афанди шахсий душманликни хохламас ва хеч кимнинг шахсига ва шахсий ишларига тил еткузмас эди. Ўшандок ўзини такфир ва тахкир этатургон хасмларига-да карши ёмон ва хакоратомуз сўзлар сўйламас эди. Балки шундай сўзларни эшитганда: «Зотан мундай дин ва дунёдан хабарсиз кишилардан яхши сўзлар-да кутмак абасдур», деб кулар эди. «Мундай такфирларни ёлгуз мен кўрган эмас, балки ўттан уламо ва улуг

кишилар хам ўз муосирлариндан шундай хужум ва такфирларни кўриб келганлар», деб ўзига тасалли бера эди. Бехбудий афандида яна бир хусусият бор эдики, хасм ва душманлари анинг кетиндан хар канча хакорат этсаларда, анинг хузурига ўтургонда хеч бир бехуда сўз айта олмасдан, анга тамлик ва мадора этарга мажбур бўлалар эди. Бехбудий афанди хар вакт ўзининг шахсига тегиб сўйлайтургон хасмларига: «Ажабо! Булар на учун манинг шахсимга тил еткузалар? Мен ўзим яхшими-ёмонми хар на бўлсада, ўз миллатимга зарар еткузмайман, балки халкга тўла ва фаол фойда еткузмак учун кўлимдан келганча чолишаман», дея эди.

## ТААДДУДИ ЗАВЖОТ ХАКИНДАГИ ФИКРИ

Мен 1916нчи йилларда «Мазлума хотун» исмли рисоламни ёзиб турдигим вактда (бу рисоланинг мавзуи тааддуди завжот бўлдигиндан) бирдан зиёда хотун олнш тўгрисинда фикрини билмак учун Бехбудий афандининг кошига бордим ва ондан шул хакда фикрини сўрадим. Бехбудий афанди жавобан шу еўзларни сўйлаган эди: «Мен бирдан ортик хотун олишга бутун мукобилман. Зотан, иккинчи хотун олиш учун кўйилгон шарт(адолат)ни хеч ким риоя кила олмайди. Шунинг учун агар мен мужтахид бўлса эдим, бирдан зиёда хотун олишнинг нодурустлиги тўгрисинда фатво берган бўлур эдим».

Бехбудий хазратларининг авсофи олияси ва анинг хакиндаги хотираларим кўб эди. Шояд фурсат бўлгонда яна бошка бир вактда ёзарман.

«Мехнаткашлар товуши» газетаси,
1920 йия, 8 апрель

[1] Сўз инсонларнинг акллариga яраша бўлмоги керак.